

Мактабга тайёрлов гуруҳлари ҳам янги ўқув йилини бошлашди



Термиз туман Мактабгача таълим бўлими тасарруфида 29 та 6 ёшли болаларни мажбурий бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилган.

Ушбу гуруҳларда ҳам янги ўқув йили бошланиши муносабати билан 870 нафар 6 ёшли болалар учун бепул машғулотлар бошланди. Мазкур гуруҳларнинг 20 таси биринчи сменада, 9 таси иккинчи сменада ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Тайёрлов гуруҳлари умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим ташкилотларининг фойдаланилмаётган бўш хоналарида ташкил этилган ва туман ҳокимлиги томонидан барча жиҳоз ва воситалар билан таъминланган.



